ОКТЯБРНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 146 (3628).

26 ИЮЛЬ

ЧОРШАНБА

1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Султонмурод Эсергепов — уста механизаторлардан. У бир неча йилдирки, колхозда пешқадамликни қўлдан бермай келаяпти. У бошчилик қилаётган комплекс механизациялашган звенода пахта ҳосилдорлиги қисқа давр ичида анча ошди. Машина терими эса илгаригга солиштириб бўлмайдиган даражада ўсди. Звено деҳқонлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги юбилейини пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиш билан нишонлашга аҳд қилишган. Шу кеча-кундузда улар юксак мажбуриятни тўла қоплай оладиган мўл ҳосилни тўплаш учун кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшиб ишлашаяпти. Бўкадаги «Гулистон» колхозининг бу пешқадам звеноси деҳқонлари ўз сўзида маҳкам. Суратда: звено бошлиғи-механизатор ўртоқ С. Эсергепов.

А. Абалян фотоси.

ДАЛА СОҲИБАЛАРИ

Сиз мана бу суратда кўриб турган икки деҳқон аёлнинг шу кеча-кундуздаги, шу дақиқадаги мақсади, орзу-умиди, интилиши, гап-сўзи, ҳиммати ва меҳнати олижаноб, ватанпарварлик ишига қаратилган.

...Улар бир-бирлари билан йўлда учрашиб қолишди. Муқаддас мотоциклда, Умринисо эса «газик»да келаётган эди. Уларнинг бири шогирд, бири устоз, бири звено бошлиғи, бири колхоз раиссаси. Иккисининг ҳам иши тиғиз. Бири қолоқликдан олиб чиқишга аҳд қилган ўз участкасидаги ишларнинг ташвишида, бири бўлса бутун колхознинг ташвишида.

— Умри опа, сизни учратиб қолганим жуда яхши бўлди-да, ҳозир олдингизга кетаётган эдим. — деди Муқаддас.

— Ие, буни қара-я, мен ҳам сенинг олдингга кетаётган эдим. Ҳўв анави чеккадаги пайкалинглар бор-ку, ўшанга дарров сув қўйиб юбориш керак. Ҳозир ўша ёқдан келаяпман. Сувчиларингдан биронтасини ҳам кўрмадим.

— Ҳа, улар мана бу ердаги пайкалга сув тарашаяпти.

— Бугун бўлиб қолишадими?

— Кечгача қўлдан чиқаришади.

— Ундай бўлса, ўша мен айтган пайкалга кечаси билан сув қўйиб чиқишсин, хўпми.

— Хўп бўлади, Умри опа...

Бу икки аёл бошқа мавзуда суҳбатлашаман деса, гап кўп. Лекин шу кеча-кундузда улар пахта мавзуидан четга чиқишмаяпти. Нега десангиз, уларнинг бутун фикри — пахтада!

Ўрта Чирчиқдаги жаҳонда биринчи космонавт аёл Валентина Терешкова номи билан юритилаётган бу колхозда дала соҳибалари жуда кўп. Ранса ҳам улар орасидан чиққан. Ғайратчан, серҳаракат, куйди-пишди, ўткир зеҳнли бу аёл каттагина колхозга, унинг қанчадан-қанча одамларига уддабуронлик билан раҳбарлик қилиб келяпти. Яқин йилларгача қолоқ бўлиб ҳисобланган бу колхоз эндиликда областимизнинг фахрланса арзигулик хўжаликларидан бирига айланган. Беш йиллик планни тўрт йилда бажаришга бел боғлаган колхоз меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг шонли юбилейи йилида пахта ҳосилдорлигини тағин бир поғона юқорига кўтариш учун астойдил ҳаракат қилишаяпти.

Ҳозир колхознинг пахта пайкалларини кезсангиз, кузакдаги баракали «оқ олтин» хирмонларидан дарак бериб турган ҳосил нишоналарини кўриб, дала соҳиблари ва соҳибалари шаънига тасаннолар дейсиз. Ҳар гектарда тўла кўчат, ҳар кўчатда гуж-гуж кўсак!

Ўзбекистон телеграф агентлиги фотомухбири Г. Пун олган бу суратда колхоз раиссаси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган механизатор Умринисо Ҳасановани (ўнгда) ҳамда унинг шогирди колхоз комсомол ташкилотининг секретари, механизатор — звено бошлиғи Муқаддас Мунавваровани кўриб турибсиз.

Катта марралар сари дадил интилаётган Терешкова номли колхоз азаматларига юбилей йилида катта муваффақиятлар ва баракали хирмонлар тилаймиз!

Ш. ШОРАҲМЕДОВ.

ЁШЛАРНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО УЧРАШУВИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Ёшларнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган халқаро учрашуви қатнашчиларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва совет халқи номидан қизғин табриклаймиз.

Шу нарса ғоят муҳим аҳамиятга эгаки, барча қитъалардаги ёш авлод вакиллари бўлган сизлар Ленинграда, Улуғ Октябрь бешигида тўпландингиз. Ленин номи — революция рамзи, янги дунё рамзидир. Советлар мамлакатининг ярим асрлик юбилейи арафасида сизларнинг бу мамлакатга келишингизни совет кишилари ленинчи Коммунистик партия раҳбарлигида эксплуататорлик тузумини емириб ташлаб, ҳокимиятни ўз қўлларига олган, социализмни қарор топтирган ва коммунистик жамиятни муваффақиятли қураётган революционерларнинг шонли авлодларига, ишчилар синфига ва меҳнаткаш деҳқонларга, мамлакатимизнинг барча халқларига кўрсатилган ҳурмат деб биладилар.

Октябрь революциясининг ғалабаси ва СССРда социализм қуриш учун олиб борилган курашда кўп миллатли ватанимиз меҳнаткашларига, халқларига кўпгина ғовларни бартараф этишга, кўп қийинчиликлар ва муҳтожликларни ўз бошларидан кечиришга тўғри келди. Биз қўлга қурол олиб революция ғалабаларини бир неча бор қаттиқ туриб ҳимоя қилдик. Экономика, фан ва маданият соҳасида олдинги марраларни эгаллаб турган қудратли социалистик давлатнинг вужудга келганлиги — барча совет кишиларининг мислсиз жасоратидир. Янги жамият қуришда Ленин комсомоли, бутун ёшларимиз катта роль ўйнади ва ўйнамоқда, коммунистик қурилишда қатнашиш ёшлар учун мардлик ва революцион чиниқиш мактаби бўлиб қолди.

Советлар мамлакати ўз тарихининг бутун эллик йили давомида ўз интернационал бурчини муқаддас билиб бажариб келмоқда, бутун дунёдаги меҳнаткашлар ва прогрессив кучлар билан ёнма-ён бормоқда, барча чет эллик дўстларнинг қудратли халқаро мададини доимо сезиб турибди. Интернационализм, ўзаро ёрдам ва курашчиларни қўллаб-қувватлашнинг ана шу кўриниши — социализм мамлакатлари ва халқаро ишчилар ҳаракати, миллий-озодлик ҳаракати, бутун антиимпериалистик ҳаракат ҳаётий кучи ва қудратининг битмас-туганмас манбаидир.

Ҳозирги даврда туб социал проблемаларни ҳал қилишга кишининг киши томонидан эзилишини тугатиш учун, жамиятни социалистик негизларда қайта қуриш учун, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги иши учун кураш олиб бориш йўли билангина эришиш мумкин.

Ёш дўстларимиз, келажак сизга, умумий курашда ва меҳнатда сизнинг қатнашувингизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сизлар ёшликнинг ажойиб туҳфаси — битмас-туганмас куч-ғайратга, янгилик ва бунёдкорлик иштиёқига тўлиб тошган қолда актив сиёсий ва гражданлик ҳаётига қадам қўймоқдасиз. Инсоннят бахт саодати учун, тинчлик ва тараққиёт учун мард курашчиларнинг кўп авлодлари тўплаган бой тажрибаси сизга мерос бўлиб қолди.

Ёш авлод жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириши, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини кенгайтириши, фан ва маданиятни илгари силжитиши, космоснинг чексиз фазоларини ўзлаштириши лозим. Шу билан бирга сизга маълумки, зулм, реакция ва уруш кучлари тарих майдонидан ўз ихтиёрлари билан кетмайди. Инсон ақл-идрокининг қудратидан фақат халқлар манфаатлари йўлида фойдаланиш учун, моддий ва маънавий неъматлар уни яратган кишиларга мансуб бўлиши учун ҳозир ва келгусида кўп иш қилиш талаб этилади.

Маккор ва хатарли йиртқич бўлган империализм халқларнинг тараққиёт йўлидан олға қараб боришларига халақит бериш учун уриниб ҳар қандай ёвузликлардан ҳам қайтмаётир. АҚШнинг Вьетнамда олиб бораётган разил уруш, Исроилнинг араб мамлакатларига қарши жиноий агрессияси, Грецияда бўлиб ўтган фашистлар тўнтаришни, мустамлакачиларнинг Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидаги найранглари — буларнинг ҳаммаси ва кўпгина бошқа фактлар империализмнинг агрессивлиги кучайганлигидан ҳамда умумий тинчлик ва хавфсизликка таҳдид ўсганлигидан далолат беради.

Пролетар интернационализми принципларига, тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик ишига содиқ бўлган Совет Иттифоқи империалистларнинг агрессив сиёсатига, халқларнинг қонуний ҳуқуқларига, озодлик ва мустақиллигига дахл қилиш сиёсатига қарши курашувчиларнинг ҳамиша олдинги сафларида боради.

Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари каби совет кишилари ҳам тинч шароитда яшашни истайдилар. Халқимизнинг, ёшларимизнинг яқин меҳнат ғайрати ва ижодий активлиги, социалистик Ватаннинг янада равнақ топишига, саноатнинг, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг ривожланишига хизмат қилади. Совет кишилари айни вақтда тинчлик иши учун ҳозирги мураккаб халқаро вазиятдан келиб чиқаётган катта хавф-хатарни диққат билан кузатиб бормоқдалар.

Империализм агрессив доираларининг активлашганлиги хушёрликни оширишни, барча революцион ва прогрессив кучлар жипслигини кучайтиришни қаттиқ талаб қилмоқда. Империализмга қарши курашда муваффақиятга эришиш гарови ана шундадир. Барча мамлакатларнинг ёш авлоди умумий куч-ғайрат сарфлаб, антиимпериалистик фронт бирлигини парчалашга ва бўшаштиришга қаратилган ҳар қандай уринишларга қатъий қарши туришга даъват этилгандир.

Сизнинг учрашувингиз жаҳондаги прогрессив ёшлар барча отрядларининг жанговар бирлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаверсин!

Империализмга қарши, тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун курашда ёш авлоднинг бирлиги мустаҳкамланаверсин!

Л. БРЕЖНЕВ
КПСС Марказий Комитетининг
Бош Секретари

Н. ПОДГОРНИЙ
СССР Олий Совети
Президиумининг Раиси

А. КОСИГИН
СССР Министрлар
Советининг Раиси

ПЛАНЕТАНИНГ ЁШЛАРИ ОКТЯБРЬ ШАҲРИДА

ЛЕНИНГРАД, 25 июль. (ТАСС). Эндиликда Ленинград барча қитъалардаги 118 мамлакат билан ёшлик трассалари орқали боғланган. Совет давлатининг 50 йиллигига бағишланган учрашувда қатнашиш учун бу ерга чет эл ёшлар ташкилотларининг, мамлакатимиз иттифоқдош республикаларининг 700 дан ортиқ вакиллари келди.

Меҳмонлар тушиб келаётган автобуслар карвони кутиб олувчиларнинг сафлари орасидан зўрға ўтаётир. Революция шаҳрининг йигит ва қизлари жаҳон ёшлари вакилларини гулдасталар, табассумлар, дўстона қўл қисиш ва албатта, қўшиқ билан кутиб олмоқда. Ленин шаҳрининг эрталабки қуёшдан яқираган кўчаларида ёшларнинг жўр овозлигида турли халқларнинг қўшиқлари янграмоқда.

Шаҳар ранг-баранг ва байрамларга хос қилиб безатилган. Асосий магистрал — Нева проспекти устида: «Жаҳон ёшлари халқаро учрашувининг қатнашчиларига салом!» деган сўзлар ёзилган жуда катта алвонлар ҳилпираб турибди. Невадаги қордек оппоқ чироқларга ранг-баранг байроқлар ўрнатилган. «Октябрская» меҳмонхонасининг олдида: «Октябрь ва ёшлар 1967» деб ёзилган лента ўралган Ер курраси — учрашув эмблемаси кўзга ташланиб турибди. Бу меҳмонхона планета ёшларининг вакилларига батамом бериб қўйилган.

Жаҳон ёшлари Ленинградда зиёратни аввало Улуғ Ленин номи билан боғланган қадрли жойларга боришдан бошлайдилар. Финляндия вокзали, Разлив, Смольний тарихга абадий кириб қолди.

Учрашув қатнашчилари жаҳонда биринчи социалистик давлатни вужудга келтиришда ҳалок бўлган революция қаҳрамонлари хотирасини ҳурматлаб, Марс майдонига бордилар. Улар абадий ёниб турадиган олов олдида сукут сақлаб, порлоқ келажак учун жонини фидо қилганларнинг хотирасини ҳурматладилар. Планета ёшларининг вакиллари мислсиз 900 кунлик қамал вақтида революция шаҳрини ҳимоя қилган неча юз минг ленинградликларнинг мардлиги ва қаҳрамонлигига бош эгдилар. Улар Пискареводаги ёдгорлик қабристонида турган Она-Ватан монументи ёнига гулдасталар қўйдилар.

Таврия саройи меҳмонларни кутиб олишга тайёр. Сарой залларида Ильич нутқи бир неча бор янграган. Смольний яқинида жойлашган саройнинг кенг заллари ва меҳмонхоналари бугун худди яшаргандек.

Сарой колонналари жанговар ва меҳнат жасоратлари учун Ленин комсомолига Ватан берган бешта мукофотни билдирувчи бешта ордей лентаси билан безатилган. Советлар мамлакатининг ёшлари социализм ва коммунизм қурилиши йўлида қадам қўйган биринчи давлатнинг ярим асрлик тарихи китобига шу жасоратларни абадий қилиб ёзиб қўйди...

Соат 10. Фанфаралар товуши учрашув бошланганлигидан дарак беради. Зал бир дақиқа жимиб, яна гулдурос қарсаклар бошланиб кетади — ёшлар учрашув президиумини — ленинча революцион гвардия ветеранларини, мамлакатимизнинг атоқли давлат ва жамоат арбобларини, жаҳондаги йирик ёшлар ташкилотлари вакилларини табриклайди.

Залдагилар энг ёш ленинградликларни оёққа туриб кутиб оладилар. Будёновчи Қизил юлдузли қалпоқ кийган пионерлар меҳмонларга қизил чиннигуллар ҳадя қилишади.

СССР Ёшлар ташкилотлари Комитетининг раиси В. Г. Яровой ёшларнинг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллигига бағишланган жаҳон учрашувини очади. У, Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар учрашув қатнашчилари номига табрикнома юборганликларини билдиради. КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков табрик хатини ўқиб беради.

Партия, Совет давлати ва ҳукумати раҳбарларининг жаҳон ёшларига қарата айтган самимий истаклари залдагиларни чуқур ҳаяжонлантиради. Залда гулдурос қарсаклар узоқ давом этади.

70 ПРОЦЕНТ ПАХТА МАШИНАДА

Колхозимиз пахтакорлари дала ишларини машиналар зиммасига юклаш борасида йил сайин катта ишлар қилишаяпти. Яқин йилларгача бизда пахта асосан қўл билан терилади. Машиналар мавжуд бўлсада, уларни унумли ишлатишга эътибор берилмасди. Натижада ҳосилнинг аранг ўндан икки-уч ҳиссасигина механизмлар билан териб олинарди, холос.

Кейинги уч-тўрт йилдан бери биз машина терими кўламини кенгайтириш учун барча имкониятларимизни ишга солаяпмиз. Бу ҳаракатимиз чакки кетмади. Ўтган йилга келиб яқин ҳосилнинг 60 процентини «зангори кема»лар билан териб олдик. Юбилей йилида механизаторларимиз мажбурият бўйича етиштириладиган 2645 тонна «оқ олтин»нинг 70 процентини машиналар билан териб олишга қатъий сўз беришган. Бу сўзнинг устидан чиқиш учун шу кеча-кундузда гўзани машинабоп қилиб ўстириш барча деҳқонларимизнинг диққат марказида турибди.

Маълумки, машина бегона ўтдан тоза бўлган пайкалда унумли ишлайди. Илгариги йиллари пахтазорларимизда анча-мунча бегона ўт ўсиб ётарди. Энди звено системасига ва «тахтача» усулига ўтганимиздан буён пайкалларда бегона ўтдан асар ҳам қолмаяпти.

Кузакда ишлатиладиган «зангори кема»ларни ремонтдан чиқариб тахт қилиб қўйишга ҳам ҳар йилгидан анча барвақт киришган эдик. Ўртоқ Асқар Қурбоналиев бошлиқ ремонтчилар бригадасининг ғайрати туфайли мавжуд 28 та машинамизнинг деярли ҳаммаси пухта созланиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди. Пахтани қопқанорсиз ташийдиган прицеплар, кўсак чувиш ва кўрак териш машиналари, подборщикларнинг ҳам асосий қисми ремонтдан чиқарилди. Техника восталарининг қолган қисмини тез ва соз ремонт қилишда механизаторлардан Х. Қурбонов, Г. Муродова, Х. Йўлдошев сингари ўртоқлар зўр ғайрат кўрсатишяпти.

Х. ЭГАМҚУЛОВ,
Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг инженери.

МАКТАБ ТАЙЕР

Ўрта Чирчиқ районидаги 92-ўрта мактаб педагогик коллективи ремонт ишларига барвақт киришган эди. Мактабда ўқишлар тугаши биланоқ биринчи сентябрга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Синфхоналар яхшилаб оқланди, бузилган парталар тузатилди. Қўшимча синф хоналари қурилди. Хуллас, янги ўқув йилига тайёргарлик зўр уюшқоқлик билан олиб борилди.

Бир ёқадан бош чиқариб ишга киришилганлиги учун ҳам мактаб ремонти 23 кун деганда тамомланди. Ҳозир мактабда ўқувчиларга дарсликлар тарқатиш иши қизғин давом этмоқда.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

1967 йил 24 июлда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кенгаш бўлди. Бу кенгашда Ўзбекистон ССРдаги умумий таълим мактабларини, олий, ўрта махсус ўқув юртларини ва ҳунар-техника билим юртларини янги ўқув йилига тайёрлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Кенгаш ишида республика министрликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент область ва шаҳар партия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, республика касаба союз ва комсомол органларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети аппаратларининг, Ўзбекистон план ва таъминот органларининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Маориф министри ўртоқ А. М. Қўчқоровнинг, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари ўртоқ С. А. Сизовнинг, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари ўртоқ Н. М. Маҳмудованинг, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари ўртоқ А. Ҳакимовнинг, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси ўртоқ Х. З. Калоновнинг, Главташкентстрой бошлиғининг ўринбосари ўртоқ В. С. Скребневнинг, Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси ўртоқ И. Жалиловнинг мактабларни, олий, ўрта махсус ўқув юртларини ва ҳунар-техника билим юртларини 1967—1968 ўқув йилига тайёрлаш қандай бораётганлиги ҳақидаги ахборотлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Самарқанд области, Бекобод шаҳри ва Бекобод райони, республикадаги бир қанча бошқа районлар ва шаҳарлар жамоатчиликнинг кенг иштироки билан мактабларни ва бошқа ўқув юртларини янги ўқув йилига тайёрлаш ишларини тугаллаганликлари кенгашда таъкидлаб ўтилди.

Кенгашда мактаблар, техникумлар, олий ўқув юртлари ва бошқа ўқув юртларини капитал ва жорий ремонтдан чиқариш, буларни инвентарь ва ускуналар, ёқилғи, дарсликлар, ўқув-кўргазмали қуроллари, ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш масалалари ҳам батафсил кўриб чиқилди. Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Р. Қ. Қурбонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари В. Г. Ломоносов. Р. Н. Нишонов ўртоқлар, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. О. Азимов, М. З. Мирзаахмедов ўртоқлар қатнашдилар.

ТЕЗИСЛАР ПРОПАГАНДА ҚИЛИНМОҚДА

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги» ҳақидаги тезисларини пропаганда қилишда маҳаллий партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатмоқ учун КПСС Марказий Комитети пропагандистларининг группаси Ўзбекистонга келди.

24 июлда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлисида залида республика ва унинг пойтахти пропагандистлар активининг семинари бўлди. Семинарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов очди.

Семинарда КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлими секторининг мудири И. П. Кириченко «КПСС Марказий Комитетининг тезисларини пропаганда қилишда идеология ходимларининг вазифалари тўғрисида», КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг старший илмий ходими, тарих фанлари доктори С. Л. Титаренко «КПСС сиёсатининг илмий асослари тўғрисида», СССР Фанлар академияси тарих институти секторининг мудири, тарих фанлари доктори А. Н. Красильников «СССР ташқи сиёсатини соҳталаштирувчиларнинг тангликка учраганлиги» ҳақида лекция ўқидилар.

КПСС Марказий Комитети пропагандистлар группасининг аъзолари И. Н. Коркунов, Э. А. Агоронов, И. К. Хмелевский-лар Тошкент корхоналарида лекция ўқидилар.

Пропагандистлар группасининг аъзолари 25 июлда республиканинг областларига жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ КАНАДАГА САФАРИ ТУҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси 1967 йил 15 августда Монреалдаги жаҳон виставкасида СССР миллий кунини байрам қилишида қатнашиш учун, шунингдек Канада конфедерациясининг юз йиллиги муносабати билан Канадага боради. (ТАСС).



Азим Тошкентимиз жамоли кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Қад кўтараётган кўркам бинолар шаҳримиз ҳуснига ҳуси қўшмоқда. Пойтахт аҳолисига гўзал ва шинам турар-жойлар қуришда қўли гул бинокорларимиз ва қардош қурувчилар зўр ҳиммат кўрсатиб ишламоқда. И. Глауберзон суратга олган кўз ўнгингиздаги мустаҳкам бинолар Оқтепа массивидаги ўнлаб янги бинолардан бир қисми, холос. Азамат қурувчилар мавжуд объектларни Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллиги шарафига барвақт битказиш учун астойдил курашмоқдалар.

УКРАИНАЛИК БИНОКОРЛАР СОВҒАСИ

Марказий универмагдан Герман Титов кўчасигача чўзилган катта майдонда қурилиш авжида. Турли материаллар ортилган машиналарнинг кети узилмайди. Украин қизларининг шўх қаҳқаҳасию, елкалари офтобда қорайган йигитларнинг ҳазил мутойибалари тинмайди. Бетон ва қоришма тайёрланаётган жойдан қудратли механизмларнинг овози янграяпти. Қурилиш участкасининг бошлиғи С. М. Полтаракин шу ерда учратдик.

— Етмиш квартирали бино қурилишини октябрь ойида бошлагандик, — деб ҳикоя қилди у, — мана 9 ойда уни қўлдан чиқардик. Қурилишда 230 киевлик бинокор иштирок этди. Тўрт қаватли бу турар-жой биноси ичида 1,3 ва 4 хонали квартиралар бор. У 9 балли зилзилага чидаш беради.

Янги бинода ҳамма қулайликлар бор. Газ, иссиқ сув ва бошқа имкониятлар истиқомат қилувчилар талабига тўла жавоб беради. Қурилишда Н. Гайдамаченко бошлиқ сувоқчилар ва А. Корчак бошчилигидаги бўёқчилар бригадаларининг аъзолари зўр ҳиммат кўрсатиб ишладилар. П. Овчар, В. Ткаченко сингари гишт терувчилар ҳиссаси ҳам катта бўлди.

Киевлик қурувчиларнинг ишдан кейин қўнгилли дам олишлари учун барча шароит муҳайё. Улар бадиий ҳаваскорлик ва спорт турлари бўйича ташкил этилган тўгаракларда қатнашаётирлар. Дам олиш кунлари диққатга сазовор жойларга юришлар уюштирмоқдалар.

Шу кунларда бинокор биродарларимиз Г. Титов кўчасида қад кўтараётган янги бинонинг учинчи қаватини жадаллик билан қурмоқдалар.

Ш. ШОАЛИМОВ,
А. ЗОКИРОВ.

ДЎСТЛИК ШАҲАРЧАСИ

Оржоникидзе районидаги ящил дарахтлар, боғ-роғларга бурканган «Геофизик» посёлкасида бўлганмисиз? Бу ерда турна қатор бўлиб тушган жамоат ва турар-жой биноларига ҳавас билан боқасиз. Бир пайтлар посёлка ўрни ботқоқлик бўлган. Ҳозирги вақтда посёлкада Ўзбекистон Геофизика трести, Тошкент атрофи сув режими экспедициялари ўрнашган. Унча катта бўлмаган бу посёлкани «дўстлик шаҳарчаси» деса бўлади.

Посёлка территориясида ўн икки миллат киши ишлаб, истиқомат қилишади. Посёлкада клуб, болалар боғчаси, мактаб, соғлиқни сақлаш пункти, кутубхона, ошхона, нонвойхона, сартарошхона, пойафзал тузатиш устахонаси, саноат ва озиқ-овқат моллари магазини, гўшт ва сабзавот дўкони, ҳаммом бор.

5-алоқа бўлими ходимлари посёлка аҳолисига кўнгилдагидек хизмат қилмоқда. Посёлкада қурилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Шу йилнинг май ойида янгидан 30 га яқин икки қаватли уйлар битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳозир чойхона, ресторан типидаги қўш қаватли ошхона ва икки қаватли трест биноси қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Қ. ЙЎЛДОШЕВ,
М. СОБИРОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбирлари.

ОБЛАСТЬ САНОАТИ 50 ЙИЛ ИЧИДА

Ҳозирги Тошкент области революциядан илгари Туркистон генерал-губернаторлигидаги Сирдарё областининг Қурама уездига қарарди. Бу ерда бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги саноат бўлмаган. Саноатнинг асосий формаси ҳунарманд ва кустарчилик ишлаб чиқаришидан иборат бўлган. Жуда ҳам содда техникага эга бўлган корхоналарнинг сони 100 дан сал ошарди. 1913 йилда область территориясидаги фабрика-завод саноатида ишловчилар сони 6,5 минг кишига ҳам етмасди. Шуни айтиш керакки, саноатнинг қариб ҳаммаси Тошкент шаҳрида жойлашган эди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ областимизда каттa ўзгаришлар ва маданий қурилиш авж олиб кетади. 20-йилларда Тошкентда қоғоз ва тикув фабрикалари, чўян қуюв заводи, Бўзсув ГЭСи ва бошқа корхоналар бунёд этилади.

Область экономикаси беш йилликларда айниқса тез ва кенг кўламда ривожланди. Урушдан илгариги беш йилликлар даврида ўнлаб саноат корхоналари қад кўтарди. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи ва тўқимачилик комбинати, Хильково цемент ва Чирчиқ азот ўғитлари заводлари, ўнлаб электростанциялар шулар жумласидандир.

Улуғ Ватан уруши эҳтиёжлари областдаги мавжуд бутун саноатни тез суръатлар билан қайта қуришни, уруш учун заруур бўлган нарсалар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишни талаб этди.

Уруш йиллари Ленинград, Ростов, Сталинград ва Украинадан областимиз территориясига 42 та саноат корхонаси кўчириб келтирилди. Ҳарбий вазият, Иттифоқимиз ичидаги иқтисодий алоқаларнинг ўзгариши Тошкент области хўжалигини комплекс ривожлантиришни янада такомиллаштиришни талаб этди. Бекобод металлургия заводи тимсолида қора металлургия саноати вужудга келди. Фарҳод ГЭС ва Оҳангаронда бир қатор кўмир шахталарининг қурилиши билан энергетика базаси кенгайтирилди. Машинасозлик корхоналари қурилиши юқори суръатларда олиб борилди. Машинасозликнинг ишлаб чиқариш фондлари уруш йилларида қарийб 11 баробар ўсди, маҳсулот ҳиссаси эса 1 процентдан 28,5 процентга кўтарилди. Уруш йиллари Чирчиқ электрохимия комбинатининг иккинчи навбати ишга туширилди, канап-қоп ва ип ишлаб чиқариш саноати вужудга келди.

Урушдан кейинги йилларда область саноати янги куч-қувватга тўлди. Тўқимачилик ва автомобиль машинасозлиги пайдо бўлди. Ҳозирда Иттифоқимиз рангли металлургиясининг йирик корхонасига айланиб қолган Олмалиқ полиметалл комбинати қурилиши бошлаб юборилди, Оҳангаронда очиқ усулда кўмир олиш разрези ишга туширилди, цемент заводи қурилди, янги-янги пахта тозалаш заводлари, трикотаж ва бир неча пойафзал фабрикалари қуриб ишга туширилди.

Иттифоқимизнинг қудратли индустриясига суянган областимиз саноати Совет ҳокимияти йилларида янги техника базаси асосида ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириши муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Бу соҳада кадрларнинг маҳорати ва малакасини ошириш ҳам катта роль ўйнамоқда. Мутахассисларни бевосита областимизнинг ўзида тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ташқари, кўпгина кадрлар Москва, Ленинград, Урал, Харьков, Киев ва Донбасс каби йирик саноат шаҳарларида илм ва тажрибалар ўрганиб, етук мутахассис бўлиб қайтдилар.

Етти йиллик областимиз саноатида чуқур из қолдирди. Тошкентга Бухоро газн етиб келди, Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, Оҳангарон цемент ва шифер комбинати, Тошкент ГРЭСининг биринчи навбати ва бошқа кўпгина объектлар эксплуатацияга топширилди, Етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажарганликлари учун тошкентликлардан 22 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга муяссар бўлди, 3 мингдан ортиқ киши ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

Тошкент области социалистик ривожланишининг 50 йили мобайнида мамлакатнинг энг йирик саноат районларидан бирига айланди. Ҳозир областимиз халқ хўжалиги 200 га яқин маҳсулот турини дунёнинг 63 мамлакатига экспорт қилмоқда. Тошкент области пахтачиликда ишлатиладиган қишлоқ хўжалиги машиналари, пахтачилик саноати ва канап толасини қайта ишлаш учун техника ускуналари ишлаб чиқариш бўйича СССРда биринчи ўринда; тўқимачилик саноати ва ип-газлама ишлаб чиқариш учун машиналар тайёрлашда иккинчи ўринда, химия ускуналари, кабель маҳсулотлари, кўприк кранлари ишлаб чиқариш ва мис қазиб чиқаришда учинчи ўринда туради.

Айрим маҳсулот турлари ишлаб чиқаришда Тошкент области ҳатто жаҳон миқёсида ҳам кўзга кўринарли ўринни ишғол этади. Масалан, областда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг ҳаммасида ишлаб чиқарилаётганидан ҳам кўп қишлоқ хўжалик машиналари тайёрланади. Пахта териш машиналари ишлаб чиқаришда эса Тошкентимиз дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради.

Янги беш йиллликнинг фақат бир йили ичида областда 1913 йилда бутун Россияда ишлаб чиқарилганига қараганда 4 марта кўп электр энергияси ҳосил қилинди. Саноат потенциали мисли кўрилмаган даражада ўсган, ишлаб чиқариш структураси тубдан ўзгарган Тошкент области ҳозирда бутун республикамиз саноат маҳсулотнинг 57,5 процентини тайёрлаб бермоқда.

Областимиз меҳнаткашлари юздан ортиқ саноат корхонасини қамраб олган ўз индустриялари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Чор Россиясининг ўтмишда қолоқ чекка мустамлака ерларидан бири бўлган Тошкент области территориясида тарихан жуда қисқа давр мобайнида қора ва рангли металлургия, хилма-хил машиналар ишлаб чиқарадиган қудратли машинасозлик, юксак даражада тараққий этган енгил ва озиқ-овқат саноатлари вужудга келтирилган экан—булар Улуғ Октябрь самараси, Совет жамиятининг доҳиси ва етакчи кучи ленинчи партиямиз доно миллий сиёсати, азамат тошкентликлар фидокорона меҳнати, ижод ва изланишининг меваси дир.

АГИТАТОР, СУҲБАТИНГДА ФОЙДАЛАН

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг ўқувчилари изидан

ЧОРА КЎРИЛДИ

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 17 май сонида босилган «Чиройнинг фиғони» сарлавҳали материал юзасидан текшириш ўтказилганда унда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Ленин қишлоқ Совети территориясидаги кабеллар қурувчиларнинг айби билан узиб юборилган. Натижада хонадонлар, мактаблар, электрсиз қолганлар, Камчиликнинг олди олинди. Ҳозир бу территория электр нури билан тўла таъминланган. Бу жавобни редакцияга район ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. Тожнев йўллаган.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

„УЧАСТКАМИЗГА ЭЪТИБОР ЙЎҚ“

Юқоридаги сарлавҳа билан Бўка районидаги 2-«Пискент» совхозининг «Фарҳод» участкасида яшовчи бир группа ишчилар редакцияга хат ёзишиб, уларнинг талаби билан участкага ўтган йили электр ўтказиш ишлари бошланганлиги, иш бошида турган раҳбарлар май байрамигача уйларингизда Ильич нурлари порлайди деб ваъда бериб, иккита май байрами ўтишига қарамай ишни ҳали ҳам тугалламаганликлари ҳақида шикоят қилишган эди.

Мазкур хат юзасидан район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Р. Қодировнинг редакцияга хабар қилишича совхознинг «Фарҳод» участкасини электрлаштириш ишлари тугалланиб, у ерга КПТ—25 КВА системасидаги трансформатор ўрнатилган. Шу кунларда ишчиларнинг уйларига электр ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Кўпчилик хонадонларда эса Ильич нури порлай бошлади.

ИЛҲОМБАХШ КУЧ

Барча совет кишилари қатори Янгийўл район меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги» Тезисларини эўр кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Ҳозир районнинг саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларида Улуғ Октябрнинг ярим асрлик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг кулоч ёймоқда.

Юбилейолди вахтасида туриб ишлаётган район саноатчилари ярим йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топширигини анча ошириб адо этдилар. Маҳсулот ассортименти ҳам бирмунча кўпайди.

Район пахтакорларининг ғайрат-шижоати бу йил айниқса бўлакча. Она-Ватанга 63 минг тонна «оқ олтин» ҳадя этиш иштиёқида меҳнат қилаётган пахтакорлар ғанимат дамларни қўлдан бой бермаслик учун курашиб, барча агротехника тадбирларини омилкорлик билан амалга ошираётирлар.

Деҳқонлар ажойиб ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Илғор хўжаликларда шу кунларда ғўза чеканкасига киришилди. Бу соҳада «Интернационал» ва Фрунзе номли колхозларинг миришкорлари пешқадамлик қилмоқдалар. Районда июль-август ойларида ғўза қатор ораларига кам деганда 2 марта ишлов бериш ва икки бор суғориш планлаштирилаяпти. Ғўзаларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш тугалланди.

Районда юбилейолди мусобақасини кучайтириш, КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари ҳамда Марказий Комитет Тезисларини халқ оммасига етказишда намунали ишлар амалга оширилаяпти. Коммунистлар, комсомол ва партия, Совет активлари Тезисларнинг мазмунини халқ оммасига етказишда ажойиб ташаббускорлик кўрсатмоқдалар.

Тезислар эълон қилиниши билан район партия комитети пропагандистлар, агитколлективларнинг раҳбарлари, сиёсий ташкилотчилар кенгашларининг раислари иштирокида семинар ўтказди. Бунда давримизнинг муҳим ҳужжатини бобма-боб тушунтиришда нималарга асосий эътиборни қаратиш зарурлиги тўғрисида фикр юритилди. Сўзга чиққан нотиқлар ўз тажрибалари ҳақида ўртоқлашдилар, тушунтириш ишларидаги тажрибаларини ҳикоя қилиб бердилар.

Маълумки, Тезисларни омма орасида пропаганда қилиш қисқа муддатли иш эмас. Ҳозир партиямиз Марказий Комитетининг бу буюк тарихий ҳужжати барча партия ташкилотларининг, пропагандистларнинг кўлида муҳим қўлланма бўлиб қолди. Район партия комитети 40 дан ортиқ лекторни хўжаликларга бириктириб қўйди. Улар Тезислардаги асосий бобларни маҳаллий фактлар билан кўшган ҳолда оммага тушунтирмоқдалар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Маълумки Янгийўл — кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги комплекс механизациялашган йирик пахтакор районлардан бирига айланди. Тезисларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини социалистик қайта қуриш ҳақида алоҳида уқдирилди. Пропагандистлар бу бобни тушунтиришда муайян хўжаликларнинг босиб ўтган йўлига мурожаат қилмоқдалар. Жумладан, Свердлов номли колхоз пропагандисти ўртоқ Л. Охунов колхозчилар билан қилган суҳбатида бу ҳақда гап юритиб, колхознинг ўтмиши ва ҳозирги даври ҳақида батафсил тўхталди. Хўжалик янги ташкил топган йиллари ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосили зўрга 10—12 центнерни ташкил этар эди. Эндиликда эса хўжаликда «оқ олтин»дан юксак ҳирмон кўтарилмоқда. Пропагандист тингловчиларга бунинг сабаблари ҳақида батафсил гапирди. Хўжаликда техникадан унумли фойдаланилмоқда. Механизатор кадрлар кўпайди. Минерал ўғитлар ҳамда химикатлардан унумли фойдаланилмоқда.

Тезисларни пропаганда қилишда район хўжаликларида ўтказилаётган тематик кечалар ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу кечаларда республикамизнинг кўзга кўринган олимлари Совет ҳокимияти йилларида республикамизнинг саноати, қишлоқ хўжалиги, фани ва маданиятида эришилган ютуқлар ҳақида гапириб бердилар. Яқинда Фрунзе номли колхозда «Порлайверсин Октябрь қуёши» деган темада кеча ўтказилди. Юридик фанлари кандидати М. Ишимов «Ўзбекистон — мустақил суверен республика», фалсафа фанлари доктори Э. Юсупов «Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожланиши» тўғрисида қизиқарли докладлар қилдилар.

«Интернационал» колхозида дўстлик кечаси бўлиб ўтди. Бу кечада филология фанлари доктори, профессор Лазиз Қаюмов, Чехословакия Фанлар академиясининг вице-президенти, халқаро Ленин мукофоти лауреати Иван Малик, шоирлардан Собир Абдулла, Ҳабибий, тарих фанлари кандидати Қ. Фозилхўжаев ва бошқа ўртоқлар Советлар мамлакатида халқлар дўстлигининг қудратли илҳомбахш кучи ҳақида гапириб бердилар.

Бувдай тематик кечалар районнинг Охунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозларида ҳам бўлиб ўтди.

Районда Тезислар пропагандаси намунали олиб борилаяпти. Район меҳнаткашлари Улуғ Октябрь тантаналарини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтараётирлар. Бу ишда партия ташкилотлари етакчилик қилмоқдалар.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ.
«Янгийўл» газетаси редакторининг ўринбосари.

СУРАТ ЙЎҚОЛДИ

Чопонини йўқотиб хурсанд бўлиб юрган Афандидан ошнаси:

— Афанди, чопон йўқотган одам хафа бўлғучи эди, сиз хурсанд кўринасиз, сабаби нима?, — деб сўраган экан:

Шунда Афанди:

— Соддасан-да, дўстим. Бордию, чопоннинг ичида ўзим бўлганимда нима бўларди, чопон билан қўшилиб йўқолиб қолмаганимга хурсандман, — дебди.

Худди шунга ўхшаш мен ҳам шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли Киров кўчасидаги фотокомбинатга қатнаб ишим битмагани учун эмас, балки ўша комбинатга қатнашдан қутилиб қолганимга хурсанд бўлиб юрибман. Қандай қилиб дейсизми? Мана эшитинг.

Шу йил 17 апрель куни заурат билан Марина Михайловна Тюменова мудирлик қилаётган фотокомбинатга келдим. Фотограф Вера Васильевна бўлса мени юз оҳангга солиб суратимни олди. Қўлимга 851035 номерли квитанциями тутқазиб, суратни 22 апрелда олиб кетасиз, дейишди. Ваъда берилган муддатга етиб келдим. Сурат тайёр эмас экан. «Илтимос, эртага келинг», дейишди. Эртасига келсам, «суратингизни ҳозиргина сувдан чиқардик, биласизми, сувда жуда тиниқ чиқди, индинга албатта тайёр бўлади» дейишди. Индинга ҳам кўндим. Айтилган куни сувдан тиниқ чиққан суратимни олар эканман, деган хаёлда келсам, «суратингиз йўқолибди, бошқа бирор бўш вақтингизда келиб хабар олинг» дейишди. Шундан кейин бўш вақтимни топиб роса саккиз мартаба қатнаганимдан кейин 14 май куни комбинат фотографи Сила Шфаланская мени сўроққа тутабошлади.

— Илгари қайси формада суратга тушган эдингиз?

— Қайси формада бўларди? Мана бу стулга ўтқазиб олишган эди-да, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Объектга қараб тушганмидингиз ёки ёнбошингиз биланми?

— Янглишмасам объектга қараб туриб тушган бўлсам керак.

— Хўш, айтингчи, объектга бўй баравар тушган эдингизми ёки белингизданми?

— Чамамда яримни олишган бўлишса керак.

— Ундай бўлса қани стулга ўтиринг-чи, — деди Сила Шфаланская мени елкамдан босиб, кейин калламни кафтлари орасига олиб объектга тўғрилади-да, худди мен учиб кетадигандек оёқ учида секин юриб фото орқасига ўтди. Бироздан кейин: «суратингиз тайёр», индинга келиб бир хабар олинг, деди. У айтган вақтда етиб ҳам келдим. Афсуски, тайёр эмас экан. Шундан кейин фотокомбинат мудири ҳузурига кирдим. Буни қарангки, мен илгари сурат кетидан чопиб юрганимда илгариги мудир М. Тюменова аллақачон ишдан бўшаб, ўрнига Абдусалом Боисхўжаев деган киши мудир бўлиб келибди. У киши «сен расмга тушганингда бу ерда бошқа киши мудир бўлган, расмингни ўша кишидан ол» деб мени комбинат бош инженери Михаил Данилович Грейнштейн ҳузурига юборди. Бош инженер эса: «мен сени танимайман, ким суратингни олган бўлса, ўша топиб берсин» деб жўнатди. Шундан кейин мен янги мудир Боисхўжаевга бир сурат кетидан ҳозир ўн бир марта фотокомбинатга келдим, сизларда заррача инсоф деган нарса бўладими? Яна неча марта қатнашим керак? — деб сўраган эдим у: суратингиз керак бўлса, ўн марта эмас, юз марта бўлса ҳам қатнайсиз-да, ҳушингизга келса шу эртага яна бир келиб хабар олинг, деган муомалани қилди.

Мен халқимизга маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхонасининг бу хизматидан гоят «хурсанд» бўлиб, эртасига суратхонага эмас, тўғри редакцияга келдим.

С. МАМАШОКИРОВ,
«Главташкентстрой» ишчиси.

МАИШИЙ ТЕМАДА



Рашид Ҳамроқуловнинг Тошкент экскаватор заводида ишлаётганига йигирма йилдан ошди. Бу моҳир слесарь-йиғувчи коммунистик меҳнат бригадасининг пешқадам аъзоларидан бири ҳисобланади. Суратда: ўртоқ Ҳамроқулов чет элга жўнатиладиган экскаватор қисмларини мустаҳкамламоқда.

Л. Глауберзон фотоси.

Солдат САҲИФАСИ

№ 15

Сержант Б. Жумақулов бўлинмада жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси ҳисобланади. Коммунист жангчи ҳар соҳада тенгдошларига ўрнак бўляпти. Сержант ҳарбий билимларини ошира бориш билан бирга дўстлари ўртасида тез-тез халқаро темаларда суҳбатлар ўтказиб туради. Мана бугун ҳам агитатор Б. Жумақулов бўлинмага меҳмон бўлиб келди. Йигитлар уни дарҳол ўртага олиб, Яқин Шарқдаги аҳвол ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилишди.

А. Асанов фотоси.

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ — ФАРЗАНДЛАР МЕРОСИ

СТАРШИНА

Бўлинмамизда ўзбек йигити Хайрулло Ҳамроқулов ҳам хизмат қилади. Тошкент қишлоқ хўжалик техникумининг собиқ талабаси Хайрулло бўлимга келган дастлабки кунларданоқ интизомлилиги, тиришқоқлиги ва уқувлиги билан тенгдошлари ҳамда командирликнинг ҳурматини қозонди.

Бўлинмамизнинг ҳамма солдатлари қатори Х. Ҳамроқулов ҳам Октябрь юбилейини муносиб совға билан кутиб олиш ниятида қунт билан меҳнат қиляпти. У биринчи класс мутахассиси, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси бўлди. Яқинда эса КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Хайрулло бошлиқ жанговар командирлар пости кемада энг яхши пост деб эълон қилинди.

Кема узоқ сафардан қайтиб келди. Топшириқ аъло даражада бажарилди. Бунда сўзсиз старшина Х. Ҳамроқуловнинг ҳам ҳиссаси бор.

Бўлинмамизда ўн миллат фарзандлари хизмат қилади. Улар гўё бир оила фарзандларидек иноқ яшашади, бир-бирларига ўқишда, хизматда кўмак беришади. Икки марта Қизил байроқли Болтиқ флотининг денгизчилари Ватан олдидаги бурчларини шараф билан ўташяпти.

М. СОДИҚОВ,
Болтиқ флотининг старший матроси.

ЖАНГОВАР ЙЎЛЛАРДАН

ҒОЛИБЛАР

Революцион жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати йўллари бўйлаб ўтказилган республика III-юришига якун ясалди. Минглаб ёшларимиз Совет давлатини барпо этишда жонини фидо қилган, оқ гвардиячилар, босмачиларга қарши курашда жасорат кўрсатган оталари ва акалари йўлидан бориб юзлаб километр йўл босишди. Слёт давомида жами 18 мингдан ортиқ поход уюштирилди.

Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Андижон, Хоразм ва бошқа областларнинг ёшлари Совет давлатини ўз ҳаёти ва ишлари билан ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр эканлигини, ҳеч қачон унутилмайдиган Қудрат Суюнов ҳам бор эди. Қудрат 1943 йили Киев учун олиб борилган шиддатли жангларда кўкрагидан душман амбразурасини тўсиб, ҳужумга ўтиш учун йўл очиб берган К. Суюнов жасорати ҳеч қачон унутилмайди. Қудрат туғилиб ўсган Самарқанддаги қишлоқда унга ҳайкал ўрнатилган.

А. СПИРИН ЖАСОРАТИ

Ўзбекистонлик А. Спиринни душманни қанчалик ҳимоя қилган бўлса, дўстларига шунчалик мадад берди. А. Спирин душман билан бўлган тенгсиз олишувда бир неча танкни шикастлади. Якка ўзи ёниб турган танк остидан ўтиб, душманга ажал ўқини ёғдирди. Душманнинг олтмиш солдатини ер тишлатди. Бу мардлиги учун А. Спирин Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

ҒАЛАБА БАЙРОҒИ

Рейхстаг устига ғалаба байроғини ким қадаганини биласизми? Булар гвардия подполковниги Самсонов бошлиқ батальон солдатлари — рус йигити Егоров билан грузин ўғлони Кантария эдилар.

Рейхстаг биноси макети ва унинг устига қадалган илма тешик қизил алвон ҳилпираб турибди. Ёш солдатлар ана шу манзарани ижро этишганда ҳамманинг кўзида севинч ёшлари пайдо бўлади, беихтиёр «ғалаба», «ғалаба» деб юборишади. Стадион узра «Ура» овозлари янграйди. Тинчлик, қурилишлар даври бошланди. Кечаги жангчи — бугун қурувчи, ижодкор, меҳнат шунқори. Пахтазор ва ғаллазорларда, қурилишларда меҳнат қиляпти. Ҳа у ҳар нарсага қодир. «Октябрь ва қуролли кучлар» деб номланган катта ҳарбий парадининг кейинги кадрлари космосни забт этишдаги ютуқларимиз ҳақида ҳикоя қилади.

Сўнгра Тошкентдаги умумий ҳарбий командирлар билим юрти ва Туркистон ҳарбий округининг жангчилари бир неча машқ бажаришади, Жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси сержант В. Бийск бўлинмасидаги солдатлар П. Созинов, В. Горбунов, Н. Пискун, В. Павловлар ҳарбий техникани қанчалик пухта эгаллаб олганликларини кўрсатишади. Улар Ватан олдидаги бурчларини шараф билан ўташяпти. Ўз постларида ҳамиша сергак. Оталаримиз изидан боришяпти.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ҲАЛИБЛАР

Мард ва довюрак совет жангчиси жасорати тилларда достон бўлган, унинг шаънига ғазаллар битилган. Минглаб жангчилар А. Матросов изидан бориб душмандан қасос олишган. Икки юз жангчи А. Матросов жасоратини айнан қайтаришган. Унинг изидан бориб Ватан учун, озодлик учун жонини қурбон қилган. Бу баҳодирлар орасида ўзбекистонлик Қудрат Суюнов ҳам бор эди. Қудрат 1943 йили Киев учун олиб борилган шиддатли жангларда кўкраги билан душман амбразурасини тўсиб, ҳужумга ўтиш учун йўл очиб берган К. Суюнов жасорати ҳеч қачон унутилмайди. Қудрат туғилиб ўсган Самарқанддаги қишлоқда унга ҳайкал ўрнатилган.

А. СПИРИН ЖАСОРАТИ

Ўзбекистонлик А. Спиринни душманни қанчалик ҳимоя қилган бўлса, дўстларига шунчалик мадад берди. А. Спирин душман билан бўлган тенгсиз олишувда бир неча танкни шикастлади. Якка ўзи ёниб турган танк остидан туриб, душманга ажал ўқини ёғдирди. Душманнинг олтмиш солдатини ер тишлатди. Бу мардлиги учун А. Спирин Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

ҒАЛАБА БАЙРОҒИ

Рейхстаг устига ғалаба байроғини ким қадаганини биласизми? Булар гвардия подполковниги Самсонов бошлиқ батальон солдатлари — рус йигити Егоров билан грузин ўғлони Кантария эдилар.

Рейхстаг биноси макети ва унинг устига қадалган илма тешик қизил алвон ҳилпираб турибди. Ёш солдатлар ана шу манзарани ижро этишганда ҳамманинг кўзида севинч ёшлари пайдо бўлади, беихтиёр «ғалаба», «ғалаба» деб юборишади. Стадион узра «Ура» овозлари янграйди. Тинчлик, қурилишлар даври бошланди. Кечаги жангчи — бугун қурувчи, ижодкор, меҳнат шунқори. Пахтазор ва ғаллазорларда, қурилишларда меҳнат қиляпти. Ҳа у ҳар нарсага қодир. «Октябрь ва қуролли кучлар» деб номланган катта ҳарбий парадининг кейинги кадрлари космосни забт этишдаги ютуқларимиз ҳақида ҳикоя қилади.

Сўнгра Тошкентдаги умумий ҳарбий командирлар билим юрти ва Туркистон ҳарбий округининг жангчилари бир неча машқ бажаришади, Жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси сержант В. Бийск бўлинмасидаги солдатлар П. Созинов, В. Горбунов, Н. Пискун, В. Павловлар ҳарбий техникани қанчалик пухта эгаллаб олганликларини кўрсатишади. Улар Ватан олдидаги бурчларини шараф билан ўташяпти. Ўз постларида ҳамиша сергак. Оталаримиз изидан боришяпти.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

«ОКТЯБРЬ» ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР

Майдонга Ленин кириб келади. У броневик устида шапкасини ғижимлаб олган ҳолда қўлини баланд кўтариб турибди. Стадион узра Владимир Маяковскийнинг «В. И. Ленин» поэмаси баралла янграйди. Шундан сўнг гражданлар уруши, оқ гвардиячиларнинг ёш Совет давлатини бўғиб ташлаш учун бўлган уринишлари кино лентасидай бир-бир кўз олдингиздан ўтади.

ИККИ ЮЗ МАТРОСОВЧИ

Ватан урушида кўкрагини душман тўпига қалқон қилган Александр Матросовнинг жасоратини ким эшитмаган дейсиз.

МАҲОРАТ ИМТИҲОНИ

РЕПОРТАЖ

Шу кунларда Тошкентдаги Ленин номли олий умумий ҳарбий командирлар билим юртида давлат имтиҳонлари давом этяпти. Бир неча кундан кейин йигитлар офицерлик унвонини олишади, ҳарбий қисмларга боришади.

Куни кеча ана шу билим юртида бўлдик. Мамлакатда энг кекса билим юртларидан бўлган бу даргоҳ ўз шонли традициясига эга. Бу ерда таҳсил олган офицерлар Ватанимизни душманлардан кўриқлашда мисли кўрилмаган қаҳрамонликлар кўрсатдилар, юрт шуҳратига-шуҳрат қўшдилар. Уларнинг бир нечаси Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонни олишга мушарраф бўлдилар.

Қадди-қомати келишган, чайир курсантларни кўриб улар ота ва акаларининг изидан бориш-яётганига, шонли традицияларимизнинг муносиб давомчилари эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил киласан, киши.

Бу йил билим юртини битирадиганлар орасида тошкентлик ёшлар ҳам талайгина. Улар ҳам мамлакатимизнинг турли ерларидан келган тенгдошлари билан бирга давлат имтиҳонларига пухта тараддуд кўришган. Ҳарбий билимларни қанчалик эгаллаб олганликларини кўрсатувчи маҳорат имтиҳонидан ўтишга шайлар.

ҲАР БИРИ — МУЛЖАЛГА

Курсант Сарвар Турсунбоев бронетранспортга ҳаққонлик билан чиқиб олди. Тўпни ҳам тезлик билан мўлжалга олди. Бунинг учун жуда кам вақт сарфланди. Сарвар машина кузовига шундай жойлашиб олдики, отишма пайтида унга ҳамма нарса яққол кўриниб турарди.

Бронетранспортер шиддат билан илдамлаб бораяпти. Курсантнинг қўли рулда-ю, бутун эътибори — теварак атрофда. Кўп ўтмай узоқдан «душман» кўринди. Душман пулемет билан қуролланган эди. Тўғри, бронетранспортер учун пулемет ўқи хавфли эмас. Олдинга бораверса бўлади. Бироқ С. Турсунбоевнинг вазифаси орқада келаётган жангчилар учун йўл очиб беришдан ҳам иборат эди. Шунинг учун у аввал душман пулеметини йўқ қилиши керак. Сарвар шошилмай ўзи турган жой билан душман орасидаги масофани чамалаб олди. Буни у шунчалик аниқлик билан қилдики, дастлабки зарбадаёқ душман шикастланди. Шунда тажрибали офицерлардан Штанько, Демиденко, Буравлевлар берган билим иш берди.

— Тегди, — курсантнинг лаби аста пичирлади. У биринчи топшириқни кўнгилдагидек бажарганидан хурсанд.

Машина ҳамон олдинга интилаяпти. Паст-баландликлар, сўқмоқлардан худди денгизда юрган кемадек чайқалиб бораяпти. Кутилмаганда яна тўп билан қуролланган душман кўринди. Сарвар пулеметни нишонга олди. Кетма-кет ўқ узди. Бу мўлжал ҳам хато кетмади.

Четда дўстининг ҳаракатини кузатиб турган йигитлар бирдан қичқириб юборишди.

— Баракалла, Сарвар.

Бўлажак офицернинг бу вазифани жуда яхши бажарганини имтиҳон комиссияси аъзоларига ҳам маъқул бўлди.

Сарварга ўхшаган ёш командирлар қисмга боргач, солдатлар билан бемалол ишлаб кета олади. Бу ерда олган билимларини ёш солдатларга ўргата олишига, уларни Ватанимизнинг муносиб посбонлари қилиб тарбиялай олишига устозлар ишонишади. Шунинг учун ҳам бугун унга аъло баҳо қўйишди.

НОРМА БАЖАРИЛДИ

Шавкат Қамбаров команданн эшитиши биланоқ ердан сапчиб турди ва шиддат билан олдинга интилди. Давлат комиссияси аъзолари секундомерни юргизиб юборишди. Улар Қамбаровнинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб боришди. Тўсиқлар — сув, жарлик деворлардан чаққонлик билан ўтаётганини кўриб, секундомерга қараб қўйишарди. Шавкат югуриб келиб окоп устидан сакраб ўтди. Кейин эса бузилиб ётган баланд уйнинг деворидан ошиб ўтди.

Ертўлага тушиб олиб, у ердан граната улоқтирди. Граната душман жойлашиб олган уйнинг деразасига бориб тушди ва портлади. Шавкат ертўладан чаққонлик билан чиқиб олиб, ҳозиргина портлаган уй томон югурди. Душман таслим бўлди.

Ш. Қамбаров вазифани бажариб бўлганида комиссия аъзолари қўлларидаги секундомерга қарашди. Машқ белгиланган муддатдан бир неча секунд олдин бажарилган эди.

* * *

Яна бир неча кундан кейин Сарвар Турсунбоев, Шавкат Қамбаров, Собир Орифжонов, Бейшен Мамбетов ва бошқа бўлажак офицерлар ҳарбий қисмларга йўл олишади. Уларнинг нияти Ватан олдидаги бурчларини ўташга келган ёш жангчиларга қудратли техникамиз ва ҳарбий билимларни пухта ўзлаштиришда кўмак бериш, устозлик қилишдир. Бу йўлда улар билим юртида олган бор билимларини ишга солишга тайёрлар.

Ф. ЛОБЗИН.

ЮРАК ТАШАККУРИ

Н. Акзамонов, В. Тухманов, Н. Егоров, В. Лозовой, С. Никоноровлар Ватан олдидаги бурчларини шараф билан ўташяпти. Бу йигитларнинг ҳаммаси бизнинг заводимиздан хизматга жўнашган. Улар меҳнат зарбдорлари эди. Шу ернинг ўзида бир неча ҳунар эгаси бўлишди. Автомобиль мерганлик тўгаракларида қатнашиб, спортнинг техник турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда иштирок этишди. Ҳар соҳада бошқаларга ўрнак бўлган бу йигитлар мана бугун ҳам Ватан олдидаги бурчларини кўнгилдагидек адо этишяпти.

Буни йигитларимиз хизмат қилишаётган қисм командирлари ва уларнинг ўзлари ота-оналарига, бизга ёзишаётган мактубларидан билиб олса бўлади.

Яқинда М. Қулибоев собиқ шогирди С. Никоноровдан хат олди. Жангчи хизматни қандай ўтаётгани ҳақида қисқача ёзиб ҳамкасабаларига сиҳат-саломатлик, ишларига муваффақият тилабди. Бригадир М. Қулибоев солдатга жавоб ёзар экан, унга бутун коллектив номидан наказ бериб ҳарбий техникани мукаммал ўзлаштиришга, ўз постида ҳушёр туришга даъват этди. Сўнгра бригада аъзоларининг юбилей байрамига атаб совға тайёрлашаётганини. Совет давлатининг 50 йиллиги номли бригада деган фахрли унвон учун курашаётганини ҳикоя қилди.

Денгизчи Н. Егоров ҳамкасабаларига мактуб ёзиб, хизматни ўтагач албатта заводга қайтиб келиш ниятида эканлигини билдирибди. Ҳозирда у Тинч океан флотида хизмат қиляпти.

Заводдан Ватан мудофаасига отланган йигитлардан командирлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам, ҳунар ўргатган устозлари ҳам миннатдорлар.

К. КОВАЛЕНКО,
истеъфодаги подполковник,
«Таштекстильмаш» заводининг цех мастери.

Тактик машғулот пайти. Жанговар машиналар ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишяпти. Бу белгиланган вазифанинг муваффақиятли бажарилишига катта таъсир кўрсатади.

ТАСС фотохроникаси.

МАРДЛАР ХОТИРАСИ

Мозортепа ҳеч қачон кишилар эътиборини жалб қилмаган чет жой эди. Фақат болаларгина бу ернинг гаштини сурар, тепага чиқиб, илон изи бўлиб оқадиган Оҳангарон дарёсини, кенг сертош сой бўйларини, пахтазор, канопзорларни томоша қилардилар. Энди шу тепаликдан болалар эмас, катталар ҳам аримайдиган бўлиб қолди. Илгари сира эътибор бермайдиган киши ҳам ҳозир ҳавас билан шу тепага бир назар ташлаб ўтади.

Дарҳақиқат мозортепа секин-аста Оққўрғон район марказининг энг кўркам жойига айланиб бораяпти. Бу ерда катта ишлар амалга ошириляпти. Тепанинг бир гектарча келадиган сатҳи текисланган. Бу ерда ишлаётган бинокорларнинг қўлиқўлига тегмайди. Ярим доира шаклида 4 метр баланд кўтариб урилган оқ тош девор ўртасидаги мармар супада жондан азиз фарзандини Ватан урушига жўнатган она нигорон кўзларини йўлларга тикиб ўтирибди. 88 метр узунликдаги девордаги металлдан ишланган Ватан уруши манзаралари кўзга ташланади. Ўртада фонтан. Яна бир мармар супада сўнмас машъал. 20 метрли бу баланд тепанинг ўрта қисмида 26 метрли пастгор, усти кенг устун қад кўтарган. Устуннинг бир томонида СССР, иккинчи томонида Ўзбекистон ССР герби порлаб турибди. Атрофга экилган арча ва бошқа дарахтлар бу ернинг ҳусни-жамолини яна очиб юборади.

Оққўрғон район марказида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларнинг хотираси учун қурилаётган ёдгорлик ана шундай бўлади. Ҳозир бу қурилиш иши жадал давом этмоқда. Бу ишга архитекторлардан С. Одилов, И. Барклай раҳбарлик қилмоқда.

Фронтга кетган ўғлини кутиб ўтирган онанинг ҳайкали олти метр баландликда бўлади. Буни Москвадаги бадиий ҳайкалтарошлик комбинати ишчилари бажармоқда.

Б. ХАЛИЛОВ.

ПОГОНЛИ ҚУРУВЧИЛАР

Ҳарбий қурувчиларимиз хоҳ Қизилқум ёки Қорақум даштининг табиий оғир шароитларида бўлсин, хоҳ Узоқ Шарқ, Камчатка, Сибирь тайгаларининг даҳшатли бўронларида бўлсин, йигитлик ғурури, мустаҳкам ирода ҳамда чидам ила меҳнат қиляптилар.

Погонли бунёдкорлар тўғрисида гап кетаркан, бўлинмамиз қурувчилари ва асосан ўзбекистонлик ҳарбий қурувчи сафдошларим ҳақида ҳам қисқача ҳикоя қилишни лозим топдим. Бўлинмамиз коллективи бошқармадаги ўнлаб бўлинмалар ўртасида энг илғори ҳисобланади. Бу биз учун қувончли, албатта.

Бўлинма ҳарбий қурувчилари йиллик, квартал, ойлик планларини муттасил ортиги билан бажариб, бошқарма кўчма Қизил байроғини ҳар доим қўлларида сақлаб келишяпти. Қуролли Кучлар Қўмондонликлари томонидан берилаётган ҳар қандай топшириқни ҳарбий қурувчиларимиз муҳим ҳамда зарур вазифа деб билиб уни ўз вақтида, аъло даражада адо этишга зўр бериб ҳаракат қиладилар. Бўлинмамиз шахсий состави илғорлигини тилга олганда ўзбекистонлик Ражаб Мирзаназаров, Қурбон Маҳатов, Тўхтабой Имомалиев, Холмон Жумабоев, Аҳмад Шойимов, Хазрат Саидов, Эргаш Нафасов, Худойберди Алиёров сингари сафдошларим номини айтмасдан ўтолмайман. Ахир, мана шу қалби олов ёш юртдошлар намунали меҳнатлари, ишчанликлари, ҳавас қиларли одоб-интизомлари билан шахсий состав ҳурмат-эътиборини қозонмоқдалар. Улар кунлик иш нормаларини доимо 1,5—2 ҳисса қилиб бажаришмаса, кўнгиллари жойига тушмайди. Бошлиқ ва командирларнинг ҳар қандай топшириқларини кутилгандан афзалроқ бажаришга тиришадилар.

— Севимли Ватанимиз ва унинг Қуролли Кучлари аҳамиятли, зарур ҳамда муҳим вазифаларни биз ёш жангчи-қурувчиларга ишониб топширган экан, бу билан фахрланамиз, шундай топшириқларни бажариш шарафига муяссар бўлганимиздан қувонамиз, — дейишади бир мақсад йўлида меҳнат қилаётган юртдошларимиз. Қўмондонлик Ватан ва халқ ишончини оқлашда фидокорлик намуналарини кўрсатаётган қурувчи жангчилар меҳнатини юқори тақдирлади. Р. Мирзаназаров, Қ. Маҳатов, Т. Имомалиевларнинг кўкрагида ҳарбий қурувчилар аълочиси значоги порлаб турибди. Х. Жумабоев, А. Шойимов, Х. Саидов, Э. Нафасов, Х. Алиёровлар эса коммунистик меҳнат зарбдорлари деган фахрли ном эгасидирлар. Улар Ватан таянчлари ҳамда халқ дастёрларидир.

И. НОРМАТОВ
сержант.

Она-Ватан бўйлаб

ЯШНАГАН КОЛХИДА

ГРУЗИЯнинг Колхида воҳаси ўзининг бой ва ранг-баранг табиий бойликлари билан шуҳрат қозонган. Қора денгизнинг шарқий қирғоғида жойлашган бу субтропик ўлкада кўплаб чой етиштирилади. Колхида Совет ҳокимияти йилларида мисли кўрилмаган даражада яшнаб, ўзгариб кетди. Суратларда: (юқоридан чапда) Хумушкур чой совхозининг янги посёлкаси кўчаларидан бири. (Ўнгда) Бутуниттифоқ чой ва субтропик экинлар илмий-текшириш институтининг Колхида филиали тажриба участкасида. (Пастда) Пичванрн қишлоғи колхозининг чой плантацияси.

Н. Анастасьев фотолари.
ТАСС фотохроникаси.

ОВОЗЛАРНИ ДАВОЛАШ

Оҳангдор овозларни даволаш мумкинми? Албатта, бу савол кишига қандайдир эриш туйилади. Аслида эса овозларни даволаш мумкин.

Тошкент Давлат медицина институти қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари клиникасида бўлган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади. Медицина фанининг бу соҳаси бўйича ишлаётган хирург-оториноларингологлардан бири Р. Ҳамроевадир. Жонкуяр шифокор чинакам санъат ошиғи. Унинг ташаббуси билан клиникада алоҳида фонетик кабинет ташкил этилди.

Ўрта Осиёда ҳозирча ягона бўлган янги кабинет товуш торлари касалликларини ўрганиш ва даволаш бўйича кузатиш ишларини олиб бормоқда. Бунда олима Р. Ҳамраеванинг хизматлари катта бўлгани. Ҳозир бу шифокор «Оҳангдор овозларни даволаш» деган темада докторлик диссертациясини тайёрлашга киришди.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
(3-канал)

Ўзбек тилида: 18.00 — Область театрлари фестивали. **Бузилган бола** (Ҳамид Олимжон номидаги Ўзбек Давлат Самарқанд драма театрининг спектакли), танаффус вақтида **телеэнгилликлар**, 20.30 — **Телевизион янгиликлар** (рус тилида), 20.50 — **Эшиттиришлар программаси.**

21.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
(5-канал)

Рус тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Совга** (болалар учун мультфильм), 18.10 — **Болалар учун**, 18.30 — **Телеэнгиликлар**, 18.40 — **Рус халқ куйлари**, 19.10 — **Бедорликда ўтган тунлар** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.30 — **Телеэнгиликлар**, 20.40 — **Ҳужжатли фильм**, 21.00 — Ж. Жабборов. **Илҳом даҳиқалари**, 21.20 — **Инсон енгилмайди** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
(9-канал)

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Бизнинг лагеримизда** (мактаб ўқувчилари учун).

Рус тилида: 18.20 — **Асрлар қаъридан** (телеочерк), 18.35 — **Концерт**, 19.00 — **Интервенция** (телеспектакль).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/VII да **Қалам қошлигим** (қишки бинода), **Катта концерт** (ёзги бинода), 27/VII да **Бағри тош.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Фантомас — «ЧАЙКА», «САНЪАТ САРОЙИ», «МОСКВА», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8.45 минут ва 10 яримда)
Фантомас — «ФЕСТИВАЛЬ».
Занжир — «РАКЕТА».
Фирибгарнинг мартабаси — НАВОИЙ номли.
Тирик нишон — «ХИВА».

Тошкент ва Янгийўлдаги махсус «Ўзэлектромонтаж» трестининг

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БОШҚАРМАСИГА

электромонтёрлар — монтажчилар,
махсус машина шоферлари,
электр кранчилари,
5—6 разрядли автослесарлар,
склад ишчилари,
омборчилар (эркаклар ва хотинлар).
прораб ва мастер мансабига инженерлар, техник-электриклар ҳамда катта прораблар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 64, Педагогическая кўчаси, 75 уй, Нижний тупиги, Телефон 5-02-26.

РЕСПУБЛИКА ҲУЛГУРЖИ САВДО ИДОРАСИ

«ЎЗМЯСОРИБТОРГ»ГА

бош бухгалтер ўринбосари,
катта иқтисодчи-молиячи, катта бухгалтер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Олтинкўл кўчаси, 2 проезд, 115 уй. (7, 12, 26, 87 автобуслар ва 5 трамвайнинг «Шоликор» тўхташ жойи).

«ТАШОБЛМЕЛИОВОДСТРОЙ»нинг

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ АППАРАТИ ВА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН КЎЧМА КОЛОННАСИГА

СМУ ва ПМК бошлиғи вазифасида ишлаш учун **инженер-гидротехниклар** ва **қурувчилар**: **бўлим бошлиғи ўринбосарлари, участка бошлиқлари ва старший прораблар, иқтисодчилар, бухгалтерлар**

КЕРАК

Ўрта Чирчиқ район, Бектемир посёлкаси, Қурилиш тупик кўчаси, 1-уй, кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

5 ДЕКАБРЬ НОМИДАГИ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ

оёқ кийим тикувчи ва этиндўз усталар тайёрлайдиган 3 ойлик курсга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар.
Ўқиш 1 августда бошланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Баранов кўчаси, 54 уй.

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

ШОНЛИ ЙИЛЛАР

Бундан 50 йилча муқаддам Ватанимиз ижтимоий тараққиётнинг социалистик йўлига қадам қўйди. Ярим аср давомида камбағал ва қолоқ бир мамлакат дунёда биринчи қудратли ва илғор социализм ўлкасига айланди.

Чор Россиясининг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси тўрт процентга етар-етмас эди. Унинг саноат маҳсулоти жон бошига ҳисоблаганда АҚШ, Англия ва Германиядагига нисбатан 10—14 баравар кам эди. Ҳозирги кунда эса СССР жаҳон саноати маҳсулотининг 20 процентга яқинини бермоқда.

Эски Россиянинг ўтакетган қолоқлигини машинасозлик соҳасидаги кўрсаткичлардан ҳам билиш мумкин. Ўша вақтда саноатнинг бу тури ялпи ишлаб чиқаришнинг атиги 6 процентини ташкил этарди. Ҳолбуки, иқтисодий ривожланган мамлакатларда бу соҳа камида 20 процентни ташкил қиларди. Кейинчалик кам тараққий этган Россия саноати жаҳон уруши, сўнгра гражданлар уруши ва интервенция йилларида вайрон бўлиб кетди. 1921 йилда ишлаб чиқариш урушдан аввалги даражанинг атиги 15 процентини, металлургияда эса уч процентни ташкил қилган эди.

Партия чақириғи билан совет халқи енг шимариб, ўзининг машаққатли меҳнати билан мамлакатни тиклашга киришди. 1925 йилда саноатнинг урушдан илгариги даражасига асосан эришилди. Бу даврда ГОЭЛРО плани ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда мазкур пландаги рақамлар жуда кам кўринади. Аммо ўша вақтда бу — дадил бир режа эдики, унга Ленин жуда катта аҳамият берганди.

Халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг 1928—1932 йилларга мўлжалланган биринчи беш йиллик плани пухта тайёргарликдан сўнг ишлаб чиқилганди. Партия оғир индустрияни юксалтиришга қарор қилди, негаки бусиз социализм қуриб бўлмасди. Партиянинг XIV съезди ишлаб чиқариш воситаларини ривожлантириш йўлини, миллий даромада жамғаришнинг юқори ҳиссасига эришиш йўлини белгилаб берди. Натижада бу улуш шу йилларда 28 процентга, саноат ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиш суръатлари эса 19 процентга етди.

Биринчи беш йилликда иккита янги металлургия маркази—Уралда Магнитогорск ҳамда Сибирда Кузнецк қурилиши бошлаб юборилди. Челябинскда трактор заводи, Кузбассда кўмир ҳавзаси ишга туширилди, Новосибирск машинасозлик марказига айланди. Тошкент, Чирчиқ ва бошқа Ўрта Осиё шаҳарларида йирик заводлар қад кўтарди.

Совет Иттифоқи юксалаётган бир даврда 1929 йилда капитал мамлакатларида иқтисодий кризис бошланди. 1932 йилга келиб у ўзининг энг юқори нуқтасига етди. АҚШ ва Европада ишсизлар сони 50 миллион кишидан ошиб кетди. Капиталистик давлатларнинг ишчилар синфи икки дунё, икки системани таққослаб кўриб, социализмнинг афзалликларини ўз кўзи билан кўриб турарди.

Саноат ривожининг юқори суръатлари иккинчи беш йилликда — 1932—1937 йилларда ҳам давом этди.

Шу йиллари ўртача йиллик ўсиш суръатлари 17 процентни ташкил этиб, бутун саноат ишлаб чиқариши беш йиллик давомида 120 процент ўсди. Озиқ-овқат товарларига карточка системаси тугатилди. Ўз машиналаримиз базасида саноат тубдан реконструкция қилинди.

СОЦИАЛИСТИК ЭКОНОМИКАНИНГ ЮКСАЛИШ БОСҚИЧЛАРИ

СССРнинг жаҳон ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси 10 процентга етди, абсолют ҳисобларда эса Германия ёки Англиядаги даражага эришилди.

Учинчи беш йиллик план халқаро вазият жуда оғир ва мураккаблашган бир шароитда амалга оширилди. Фашистлар Германияси қутуриб, Австрия, Чехословакия, Польшани босиб олди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Партиямизнинг мудофаа саноати ва қурол-ярог ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта эътибор беришига тўғри келди. Сибирь ва Уралда ҳарбий саноат вужудга келтирилди, негаки бу қурол-ярог арсеналлари бўлғуси жанг фронтларидан узоқда эди. Уруш арафасида мамлакатимиз пўлатининг учдан бир қисми, электроэнергиянинг қариб чораги Осиё қисмида ишлаб чиқариларди. Шу йиллари далаларимизда қариб 200 минг комбайн ва 700 минг трактор (15 от кучи билан) ишлаб турди. Ленининг 100 минг трактор ҳақидаги орзуси ана шундай амалга ошди.

Германиянинг мамлакатимизга ёвузларча қилган ҳужуми учинчи беш йиллик планнинг бажарилишига имкон бермади. Бутун экономикамиз ҳарбий изга кўчирилди.

Кўмирнинг 63 процентини бераётган Донбасс ҳавзаси, 1940 йилда мамлакатимизда эритилаётган 18 миллион тонна пўлатнинг 10 миллион тоннасини ишлаб чиқараётган Украина вақтинча босиб олинди. Қийин шароитда мамлакат Шарқига 1360 корхона эвакуация қилинди. Ўзбекистон йирик қурол-ярог арсеналига айлантирилди. Бу ерга юзминглаб кишилар, қўплаб корхоналар келтирилди. Ана шу чораларнинг барчаси, халқимизнинг шижоатли меҳнати фронтни энг яхши техника билан тобора катта миқёсда таъминлаш имконини берди. Берлин учун олиб борилган сўнгги жангдагина 47 минг тўпимиз, 8400 самолётимиз, 6300 танкимиз қатнашди.

Мамлакатимиз қудрати тобора ошиб бораверди. Бизда минглаб улкан корхоналар, электр станциялари қурилди. Дунёда биринчи водород бомбаси, дунёда биринчи атом электр станциялари яратилди. Биринчи сунъий йўлдошлар, атом сув ости кемалари, космонавтларимиз бошқарган космик кемаларимиз —буларни бирма-бир санаш қийин.

Ярим аср давомида амалга оширилган улкан яратувчилик ишлари, мамлакатимиз босиб ўтган бу кураш ва ғалабалар йўли КПСС Марказий Комитетининг «Улуг Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги» Тезисларида ифодалаб берилган.

Эндиликда совет кишилари Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қурашмоқдалар, партия раҳбарлигида коммунизмнинг улуғвор биносини барпо этмоқдалар.

Евг. БЛОК.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

СССР Ташқи ишлар министрлиги Совет ҳукуматининг топшириғига биноан 23 июлда Аргентина Республикасининг Москвадаги элчихонасига нота юборди. Нотада бундай дейилади:

«Совет ҳукумати шу йил 22 июлда Буэнос-Айрес портида Совет теплоходи «Мичуринск»га нисбатан Аргентина маъмурлари қилган қўпол бебошлик ва қонунсизлик фактига Аргентина ҳукуматининг эътиборини жалб қилади. Маҳаллий вақт билан соат 16 га яқин соқчи итлар етаклаган 200 кишига яқин денгиз пиёда қўшинларининг нарядлари теплоход турган жойга келиб, совет кемасини қуршаб олдилар. Аргентина таможня маъмурларининг вакиллари ҳарбий шахслар ҳамроҳлигида теплоход ичига кириб, кемадаги дипломатия почтасини кўрсатишни капитандан талаб қилдилар. Шу вақт совет матроси милтиқ найзаси билан ярадор қилинди.

Аргентина маъмурларининг ана шу иғвогарлик ҳаракатлари халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф қилган нормаларини ва дипломатик алоқалар тўғрисидаги 1961 йилги Вена конвенциясини андишасизлик билан оёқ ости қилишнинг ўзидир. Аргентина маъмурлари вакилларининг қўпол ўзбошимчалиги Совет Иттифоқи билан Аргентина ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириш мақсадида атайин қилинган ишдан бошқа нарса эмас.

Совет ҳукумати Аргентина маъмурларининг «Мичуринск» теплоходига нисбатан ғайри қонуний ҳаракатларига қарши кескин норозилик билдиради, бундай ҳаракатларнинг дарҳол тўхтатилишини талаб қилади ва бундай ҳаракатларнинг айбдорлари қаттиқ жазоланади, деб кутади. Совет томони Аргентина маъмурларининг ғайри қонуний ҳаракатлари етказган зарар учун товон талаб қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

СССР Ташқи ишлар министрлиги мазкур нота мазмунини дарҳол Аргентина ҳукуматига етказишин Аргентина Республикаси элчихонасидан илтимос қилади».

КИ КУЧ ТУПЛАМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Жанубий Вьетнам Бош министри Нгуен Као Ки матбуот конференциясида гапириб, Жанубий Вьетнам қуролли кучлари сафига яна 50 минг солдат ва офицер қўшилади, «мамлакат мудофаасининг структурасида кескин ўзгаришлар қилинади» деди, дейилади Америкадаги ЮПИ агентлиги мухбирининг Жанубий Вьетнамдан юборган хабарида.

СОВЕТ АРТИСТЛАРИГА — ОЛТИН МЕДАЛЬ

ТУНИС, (ТАСС). Бу ерда халқ ашула ва рақс IV халқаро фестивали ўз ишини тамомлади. Фестивалда 13 мамлакат қатнашди. Мустақил тайёрланган программа бўлими бўйича олтин медаль ва биринчи мукофотни совет артистлари—Сибирь халқ рақс ансамбли (Красноярск) олди. Бундан ташқари совет ансамблига эркаклар рақсини энг яхши ижро этганлик учун бронза медали топширилди.



СОЦИАЛИСТИК ЧЕХОСЛОВАКИЯнинг кўпгина районларидаги кооператорлар ва давлат хўжаликларининг ишчи ва деҳқонлари галла ўрим-йиғимига киришдилар. Бу йил далаларда 15 мингдан ортиқ галла комбайни ишламоқда. Ўрим-йиғим техникасининг кўпгина қисмини совет ўзиюрар «СК-3», «СК-4» комбайнлари ташкил этади. Суратда: Комарно яқинидаги ЕСХК Радванда буғдой ўримини пайти.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ВДР УСТИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ, (ТАСС). Аниқланган маълумотларга кўра, Вьетнам Халқ Армиясининг зенитчилари 12, 17, 21 ва 22 июлда Куангбинь ва Нгеан вилоятлари устида Вьетнам Демократик Республикасининг ҳаво масофасига бостириб кирган Америка самолётларидан яна бир нечтасини уриб туширдилар. Вьетнам Информация Агентлигининг хабар беришига кўра, Вьетнам Демократик Республикаси территорияси устида уриб туширилган Америка самолётларининг умумий сони 2.121 тага етди.

БЕДАНА — ШИФОБАХШ ҚУШ

«Известия» газетаси ўзининг 143-сонида «Фақат рақамлар» рубрикаси остида Сочи курортларида қимматли шифобахш хусусиятга эга бўлган бедананинг тухуми билан даволаш синаб кўрилаётгани ҳақида хабар босган эди. Газета редакцияси жойларда қанотли фармацевтлар тўғрисида бафатсилроқ ҳикоя қилишни сўраб ёзилган кўплаб хатлар олди. Қуйида ана шу хатларга жавоб босилган.

Биз сўз юритаётган шифобахш қушлар Хостиндаги 3-меванчилик совхозининг фермасида кўпайтирилмоқда.

Беданалар фермаси... У асрий самбит—шамшод дарахтзорлари билан қопланган тоғда жойлашган. Оқ гиштлардан бунёд этилган, томи шиферлар билан ёпилган шинам етти қаророғоқ қушларнинг шўх ва кувноқ сайроғи билан тўлиб-тошган.

— Фермада ҳозирги кунда 3600 бош макиён мавжуд бўлиб, қушлар галасида эса, жами 13 минг бедана бор,— дейди совхоз директори В. Г. Игнатов.— Биз кунора шифохоналар ва магазинларга 2500 дона бедана тухуми жўнатамиз.

Чуқур текширишлардан кейин медиклар бедананинг тухуми ва гўшти шифобахш ҳоссага эга эканлигини аниқладилар. Бедананинг тухуми ва гўшти юрак касалликларини, камқонликни, ошқозон яллиғланиш касалини, сил, астма, қон босими касалликларини ва модда алмашуви бузилишини даволашда бебаҳо доридир. Кичкинагина бир бедана тухумида (у 10—11 грамм келади) киши саломатлиги учун жуда ҳам зарур бўлган энг актив стимуляторлар мужассамлашган. Бир дона бедана тухумидаги ана шундай шифобахш моддалар бир дона товуқ тухумидагига баробардир.

Бедана гўшти ҳам пархез таом сифатида жуда қимматли. Япон уй беданасининг гўшти ўзида қимматли шифобахш хусусиятларни мужассамлантирган бўлиб, лаззатлилиги жиҳатидан барча турдаги қишлоқ хўжалик паррандаларининг гўштидан устун туради.

Бундан 10 ой муқаддам ташкил этилган дастлабки беданачилик фермаси келгусида йирик хўжаликка айланади ва 1967 йилдаёқ 450 минг дона тухум ва гўшт учун 20 минг бедана етказиб беради.

Мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларидаги касалхоналар, санаториялар ва дам олиш уйларидан совхозга наслли беданаларни сўраб буюртмалар келмоқда.

Я. ПОНОМАРЕНКО,
В. И. Ленин номли Мацестин совхозининг бош агрономи.
(«Известия» газетасидан).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—В35212. Редактор ўринбосарлари—В35885 В31232. Масъул секретарь—В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—В33786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари—В35811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари—В39050 Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — совет қурилиши, маиший хизмат ва Коммутатор — В30249 дан В30258 шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. В34048. Эълонлар бўлими — В38142. гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 05525. Индекс 64970 А. 1709.

Тошкент эгизмиклари

АРМУҒОН

Чилонзор массивида мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган биродарларимиз тошкентликларга чиройли ва пишиқ уй-жойларни қуриб бераётирлар. Қардош дўстларимиз қатори бу ерда меҳнат қилаётган харьковлик бинокорлар куни кеча Чилонзорнинг 24-секторида 80 квартирали уйни фойдаланишга топширишди. Бинонинг пастки қавати катта гастроном бўлиб, турли-туман ноз-неъматларни харид қилишингиз мумкин. Шу бинонинг ён бўйинда эса дўстларимиз яна 60 квартирали уй-жойни қуришга киришишди. Бу йил азамат қурувчилар тошкентликларга 7 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойни топшириш мажбуриятини олишган.

Улар уй-жой қуриш билан чегараланиб қолмасдан мактаб, болалар боғчаси қуришни ҳам унутганлари йўқ. 10-кварталда 1200 ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Айниқса куни кеча ишга туширилган 280 ўринли болалар боғчасида кичкинтойлар мириқиб дам олаётирлар.

СЕРГЕЛИДА КИНОТЕАТР

Сергели шу кунларда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Қаҳрамон ҳарбий қурувчиларимиз Сергелини бундан ҳам обод ва кўркам қилиш учун фидокорона меҳнат қилаётирлар.

Шаҳарчада куни кеча жуда катта бино фойдаланишга топширилди. Бу 400 ўринли кинотеатр бўлиб кенг экранлидир. Кинотеатрни ленинградлик ҳарбий округ хизматчилари совга қилишди. Яқин кунлар ичида шаҳарчада 800 ўринли ёзги кинотеатр қуриш ҳам бошлаб юборилади. Бу ишларнинг ҳаммаси Сергели шаҳарчасининг келажаги янада порлоқ бўлишидан дарак беради.

ПИОНЕР ТУРИСТЛАР

Бу йил биринчи марта «Юний техник» пионер лагери техникага қизиқувчи болаларни ўз бағрига олди. Ёш туристлар республикамиз ташқарисига походлар ўтказишади. Шу кунларда андижонлик ёш туристлар Арманистонга жўнаб кетишди. Бир неча кундан кейин тошкентлик ва фарғоналик ёш туристлар ҳикоя ва эртакларда номи кайта-кайта такрорланадиган Байкал қўлининг ажойиб манзараларини томоша қилишади. Бундан ташқари улар улкан Братск ГЭС ва Ангара, Москва ва Жанубий Қрим, Кавказ ва Ленинграднинг диққатга сазовор жойларини кўришади.